



2021-yil 8-oktabr / № 41 (4648)

Ўзбекистон Қаҳрамони,
адиб, адабиётшунос олим ва таржимон
Иброҳим ҒАҒУРОВ билан суҳбат

Ёр МУҲАММАД

ДОРБОЗЛИК САНЪАТИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Амир Темур даврида ҳам дорбозлар, полвонлар, муаллақчилар ва ўргатилган филлар, отлар томошаси ўтказилгани маълум. Соҳибқирон бобомиз икки қўлда баравар қилич уйнатиш, югуриб кетаётган отдан умбалоқ ошиб тушиш сингари мурраккаб ҳаракатларни бажаришда жуда моҳир бўлган. Ҳаёт вақтларида ҳам халқ байрамлари ва сайларида дорбозлар, симбозлар, чигириқчилар, ҳайвон ўргатувчилар, найрангбозлар, ёғочоёқ ва муаллақчилар Амир Темур давлатининг турли ҳудудларида ўз санъатларини майдон томошаси сифатида намойиш этганлар.

XVIII—XIX асрларда ўзбек дорбозлари Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия шаҳарларида томошалар кўрсатган. XX асрга келиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган дорбозлик санъати ҳар жиҳатдан тақомиллашди. Репертуарлар кенгайтирилиб, томошабинлар талабига мос янги ижролар билан бойитилди. Кўпгина дорбозлар сулоласи шаклланди. Шулардан бири машҳур дорбоз Тошканбой Эгамбердиев асос солган Тошканбоевлар сулоласидир. Сулола асосчиси етмиш йиллик салмоқли хизмати билан XX аср ўзбек цирки тарихидан мустақкам ўрин олган. У энг яхши дорбоз ва симбоз сифатида узоқ йиллар Марказий Осиёнинг турли давлат ва хусусий циркларида фаолият юритди.

1935 йил Санкт-Петербург циркида унинг раҳбарлигида "Дорбозлар" миллий дастури яратилиб, илк бор дор ўйинлари очиқ майдондан цирк гўмбазига остига кўчирилди. У 1942 йили ўзбек цирки жамоасини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди. Тошканбой Эгамбердиев 1947 йил, 81 ёшида охириги марта дорга чиққан. Ака-ука Олим ва Мурод Тошканбоевлар ани пайтада ота-болари ишини давом эттирмоқда. Сулола аёллари ҳам акробатика ва рақс санъатида оид моҳирона чиқишларини давом эттиришмоқда.

— Ўзбек цирки ва миллий дорбозлик санъатини Тошканбой Эгамбердиевсиз тасаввур қилиш қийин, — дейди цирк дорбози Анвар Алиев. — У етти ёшидан отаси Эгамберди хожи билан биргаликда

халқ байрамлари ва сайларида томошалар кўрсата бошлаган. XIX асрнинг 80-йилларида мустақил ишлаб, дорбозлик ва симбозлик санъатини мукаммал эгаллаган. Балангдор устида йигирмадан ортиқ кўринишларни ижро этган. Балангдор ва узунасига сакраш, оёғига пичоқ, лаган, мис қозон, ёғочоёқлар боғлаб ёки пошна-ли пойабзал кийиб сим устида юришдек қизикарли томошалар кўрсатган. Ана шундай томошалар мафтун бўлиб, кейинчалик таниқли дорбозга айланган онам Нисо Алиеванинг қизиқишлари менда ҳам такрорланди. 1980 йилда Москвадаги "Цирк" студиясида таҳсил олдим. Ани пайтада "Ўзбек-давлатцирк" муассасасида онам ва рафиқам Наталия Ахметова билан ҳамкорликда ишламоқдам.

Дарвоқе, Анвар Алиев ҳам бошқа бир дорбозлар сулоласига мансуб. Мана, 35 йилдирки, у жамоавий чиқишлари, акробатик саҳна кўринишлари, ҳаво филдираги ҳамда жамоавий йўналишидаги янги томошалари билан муҳлис-ларга манзур. Сулола вакиллари Нисо ва Анвар Алиевлар ўзлари саҳналаштирган "Қўғирчоқ акробатика" ҳамда "Жамоавий дорбозлик" жанрларидаги чиқишлари билан 2008 йилда Хитойнинг Ухан шаҳрида, 2012, 2013 йилларда Тайванда, 2017 йилда Японияда, 2018 йилда Тожикистонда ўтказилган халқаро фестивалларда фахрли ўринларни эгаллаб, олтин, кумуш ва бронза медаллари-га сазовор бўлишган. Гўзал ижро услуби билан танилган Нисо Алиева бир ва икки симди дорбозлик санъатини ривожлантирган йирик мутахассис саналади. Россияда чоп этилган "Цирк санъати" энциклопедиясига у ҳақдаги маълумотлар киритилган. Ўғли Анвар ҳам рафиқаси Наталия Ахметова билан биргаликда ишлаб, Дамир Собитов, Юлия Иванченко, Юлия Красовская, Антонио Пеннини билан цирк дорбозларининг янги авлодини тарбиялади.

Шогирдлари Сергей Карпов, Лилия Насриддинова Россия цирк саҳналарида ўз санъатини намойиш этмоқда. Ёш авлод дорбозларини тарбиялаш борасида

гап кетганда у киши шундай дейди:

— Ичиш, чекиш, дангасалик, нотўғри ҳаракатларни тезда илғаб, хатоларни ўз вақтида тузатмаслик қилдаги нозик санъат соҳибларига қимматга тушади. Бир умр меҳнат қилиб, ҳаётининг муайян давридагина биз "цирк" деб атайдиган спортнинг экстремал тури билан шуғулланадиган мутахассис ўз ҳаётини арзимас истак-майлар учун гаровга қўймаслиги керак. Мен дор ва дорбозни циркимизни дунёга танитган қўй ва бўрининг ҳайратомуз ҳамкорлигига ўхшатаман. Улар мурғалигидан бир муҳитда яшашга ўрганганидек, дастлаб паст бўлган дор ҳам аста-секинлик билан балангдор боради, аввал ёш бола бўлган дорбоз эса вақт ўтиши билан йирик мутахассисга айлана боради. Улар ҳам худди қўй ва бўри каби бир-биридан ҳадиксирмай, ўзаро ишонч ҳисси билан улғаяди.

Бир сафар шеру йўлбарслар билан томоша кўрсатадиган циркимиз киноактёр ўрнига атиги икки дақиқалик Бобур родини уйнаб берадиган бўлди. Сценарий бўйича шер билан йўлбарс тахтда ўтирган Бобур Мирзонинг икки ёнидан келиб, унга бош эгиши керак эди. Циркимиз йўлбарслари дафъатан бир умр қўлидан қанд еган эгасини танимади. Бир муддат тикилиб турган, таниш ҳидни туйди шекилли, гримдаги меҳрибонининг қаршисига тиз чўкди. Сал бўлмаса... ҳа, бизнинг қўй билан дўстлашган бўримиз ҳам, биз билан дўстлашган балангдорларимиз ҳам аслида шундай "хулқ-атвор"га эга.

...Нихоят, цирк бошланди. Анвар Алиевнинг дорбозлик маҳоратини ўз қўлим билан кўришни истардим. Ана, саҳнада масҳарабозлар, жонглерлар, чавандозлар... Мана, кутилган дақиқалар ҳам етиб келди, дорбоз дорга яқинлашди...

Ҳа, орзуга айб йўқ, аммо ишқ бошқа, ҳавас бошқа. Дорбозлик — бу севган ёрининг тиззасига бош қўйиб ухлаш дегани эмас. Бир хориж фильмида юз қаватли икки бино ўртасига арқон тортиб, дор ўйнаган дорбознинг ўйинини кўрдим. Чинакам дорбоз ана шундай қийинчиликлар билан, жасорат билан камолга етиб, обрў-эътибор топади.

Шухрат АЗИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Шарқ алломаларидан бири Низомий Ганжавийнинг юксак истеъдодини ўтмишнинг қўллаб-шойир фозиллари, олим уламолари эътироф этиб келганлар. Фарб тадқиқотчилари уни исломга қадар ва ундан кейинги Шарқ дунёсини бирлаштирган мутафаккир сифатида тилга олишган.

Абу Муҳаммад Илбёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий Ганжавий 1141 йили Озарбойжоннинг кўҳна маданият марказларидан бири Ганжа шаҳрида зиёли оилада дунёга келади. Отаси Юсуф ибн Муайяд ўз даврининг таниқли арбобларидан бири, онаси Ганжа шаҳрига ҳукмронлик қилган Шаддодийлар авлодидан эди.

Низомий Шарқ адабиётида кенг тарқалган "Хамса"чилик аънасининг асосчиси саналади. Аммо унда дастлаб беш китобдан иборат яхлит асар ёзиш фикри бўлмаган. Кейинчалик "бешлик" номини олган бу достонларнинг ҳар бири бошқалар тавсиси билан турли даврларда ёзган. Шарқ адабиётида йирик асарлар кўпинча ҳукмдорлар, давлат арбоблари топшириғи билан ёзилгани ёки кейинчалик уларга тортиқ қилингани маълум. Низомий ҳам дастлаб 1177 йили маънавий-ахлоқий мавзудаги "Махзан ул-асрор" достонини ёзиб, Арзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳга бағишлайди. Маснавий жанрида битилган бу асар одоб-ахлоқ, инсоний фазилатлар тараннум этилган мақолатлар ва ҳикоятларни ўз ичига оларди. Достон тез орада халқ оғзига тушади, шоирнинг шуҳрати тилларда достон бўлади.

«ОСОН ЭРМАС БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...» «Хамса»чилик аънаналари хусусида

1180 йили эса, Низомий навбатдаги йирик достони "Хусрав ва Ширин"ни ёзади. Унга Шарқда машҳур бўлган Эрон шоҳи Хисрав ва унинг арман маликиси Ширинга бўлган муҳаббати ҳақидаги машҳур ривоят асос қилиб олинган эди. Бу асар Ироқ ҳукмдори Тўғрул III нинг илтимосига кўра битилган.

Шарқнинг энг ҳасин ишқ қиссаларидан бири "Лайли ва Мажнун" халқ орасида кенг тарқалган бўлса-да, ҳали бирор шоир уни назмга солишга журъат этолмаган эди. Ширвоншоҳлардан бўлмиш Аҳситан I ана шу мавзуда достон ёзишни Низомийдан илтимос қилади. Гарчи дастлаб шоир бунга унамаса-да, ўғли Муҳаммаднинг қистови билан ана қўлига қалам олади. 1188 йили араб халқ афсонаси асосидаги бу достонни ҳам ёзиб тугатади.

1196 йили Алоуддин Кўрна Арслоннинг топшириғи билан "Ҳафт пайкар", яъни "Етти гўзал" достонини қаламга олади. Унда Шарқ адабиётидаги "ҳикоя ичида ҳикоя" усулидан фойдаланиб, Сосонийларнинг забардаст вакили Баҳром Гур ва унинг маҳбубаси Фитнаннинг ишқий саргузаштлари ҳикоя қилинган.

1196 — 1201 йилларда у яна бир йирик достон "Искандарнома"ни яратди. Бу асар "Шарафнома" ва "Иқболнома" деб номланган икки қисмдан иборат. Шу тахлит беш йирик достон — "Хамса" юзга келади. Кейинчалик бу бешлик "Панж ганж" (беш хазина) номи билан ҳам машҳур бўлади.

Низомий "Хамса"си асрлар давомида туркий ва форсий адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатиб келган. Жумладан, XIV асрда яшаган ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмий унинг "Махзан ул-асрор" асарини, Қутб "Хусрав ва Ширин" достонини ўзбек тилига таржима қилади. "Хамса"чилик аънасини Шарқнинг қўллаб-забардаст шоирлари давом эттирганлар. Жумладан, Хусрав Деҳлавий ҳамда Абдураҳмон Жомий яратган форс тилидаги "Хамса"ларда Низомийга хос ҳассослик, нафосат уфуриб туради.

Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" достонида "Хамса" яратишга жазм этгани хусусида ёзarkan, ҳақли равишда ифтихор билан:

Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ —

дея лутф қилган эди.

Алишер Навоий бу аънада муҳим бурилиш ясади. Ўзидан аввалги уч буюк шоирдан фарқи ўлароқ, "Хамса"сини туркийда битди, унинг ҳар бир достонида бу уч шоир сиймосига буюк ҳурмат ва эҳтиромини ифода этади. Хусусан, "Садди Искандарий" достонида Алишер Навоий ҳақли равишда ўзини ва Низомийни энг ноёб иқтидорли инсонлар сифатида қайд этади:

Фалак кўрмади мен киби нодире,

Низомий киби даҳр аро қодире.

Дарҳақиқат, Навоий ҳам ғойибона устози Низомий Ганжавийнинг ҳазинасидан унумли баҳра олган ва ўзининг бебаҳо

ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ

беш достонини яратган эди. Гарчи достонлар мавзуси, уларнинг вазири бир хил бўлса-да, Навоий ҳар бир достонга янгича рух, янгича мазмун бағишлайди. Янги ҳикоятлар, мавзулар, бадиий санъатлардан фойдаланади. Бироқ шунга қарамай, Навоий қаламига мансуб ҳар беш достонда Низомийга бўлган буюк эҳтиром, унинг ижодий аъналарига изчил амал қилиш ҳоллари яққол кўзга ташланади.

Ҳар икки мутафаккир «Хамса»сининг учинчи достонида араб яриморлида машҳур бўлган, кейинчалик бутун Шарққа ёйилган «Лайли ва Мажнун» манзумаси қаламга олинган.

Низомий Ширвоншоҳлар сулоласининг машҳур вакили Аҳситан иккинчи бу достонни араб ёки форс тилида ёзишни топширганини айтади. Шундан сўнг Низомий ҳукмдорга қўллик расмини бажо келтириб, бу достонни форс тилида битганини таъкидлайди. Шу пайтга қадар кўпгина илмий давраларда Низомий туркий қавмга мансуб эмаслиги, у туркий тилда асар ёзмаганини таъкидлаб келишди. Турк ва озарбойжон адабиётшунослари унинг ота-боболари қипчоқ ёки ўғуз туркларига мансуб эканлиги, фақат давр ва вазият тақозоси туфайли форс тилида ёзишга мажбур бўлганини таъкидлашди.

Алишер Навоий ҳам ўз достонини туркий тилда битганини фахр билан таъкидлайди.

Мен туркча бошлабон ривоят,

Қилдим бу фасонани ҳикоят;

Ким шуҳрати бу жаҳонга тўлғай,

Туркий бўла дағи баҳра олғай.

Чунки бу кун жаҳонда атроқ

Кўптур хуш табъ, соф идрок.

Достонда Навоий Қайснинг Мажнун номини олишини қуйидагича тавсифлайди.

"Лайли, Лайли" деб ул чекиб ун,

Эл "Мажнундур" деб, ушбу Мажнун.

Бу вазият Низомийнинг достонида қуйидагича жаранглайди:

У мешуду мезаданд ҳар кас

«Мачнун! Мачнун!» зи пешу аз пас

(У қаерда бўлса, ҳамма унинг олдию ортидан «Мажнун, Мажнун» деб қақирарди.)

Навоий умрининг сўнгги йилларида битган "Насойим ул-муҳаббат" асарида ҳам Низомийнинг ҳаёти ва ижодида алоҳида тўхталанди. "Аларга зоҳирий улум ва расмий истилоҳотдан баҳраи тамом бор эмиш" дейилади мазкур асарда.

Яна бир ўзбек шоири, етук саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Низомий Ганжавийнинг ганжинасидан етарлиқ хабардор эди. "Бобурнома"да ёзилишича, унинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам кўпинча Низомий ва Деҳлавийнинг "Хамса"си мутолааси билан машғул бўлган.

Бобур темурийзода ҳукмдори буюк олим Мирзо Улугбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф томонидан фожиали ўлдирилиши ҳақида афсусланиб ёзarkan, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин" достонидан иқтибос келтиради:

Падаркуш подшоҳеро нашоад,

Агар шояд ба шаш моҳаш напояд.

Яъни отасини ўлдирган подшоҳ бўлолмайди. Агар тож-тахт унга насиб этган тақдирда ҳам олти ойдан зиёд шохлик қилолмайди.

Низомий бу ўринда ўз отаси Хусравнинг салтанати ва гўзал аёли — ўғай онаси Ширинга етишиш учун ўлдирган Шеруянинг қисматига ишора қилган эди. Достонда айтилишича, олти ой ўтиб, саройда юз берган фитна туфайли Шеруя ўлдирилади. Шу воқеаларни баён этиб, Низомий юқоридаги байтти битган эди. Не ажабки, унинг бу қаромати ордан икки ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, яна бир падаркуш шаҳзода Абдуллатиф қисматида ҳам ўз тасдиғини топади.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

РАҒБАТ, ЭҲТИРОМ, ИБРАТ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим прокуратура тизимида фаолият юритаётган ижодкорларнинг ҳамкорлиги, уч авлод адабиёт вакилларининг ўзаро фикр алмашиш имкони яратилгани соҳа ривожига муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, янги шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Уч авлодга мансуб хонандалар томонидан она Ватан, эл-юрт ҳамда истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Уч авлодга мансуб ижодкорлар ўқиган шеърлар қалбларни хушнуд этди. Айниқса, Бўка туманидаги 27-ихтисослаштирилган мактаб интернати 5-синф ўқувчиси, Президент совғаси совридори Фазилат Ёкубованинг чиқиши илиқ таассурот қолдирди.

Қибрай тумани Маданият бўлими ҳамда Қозоқ миллий маркази вакилларининг чиқишлари даврага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир сўнггида янги нашр этилган китоблар тақдироти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Дўстлик" ордени соҳиби, таниқли шоир, таржимон ва журналист Азиз Саиднинг 60 ёшга тулиши муносабати билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Шоирнинг ватанпарварлик, халқ манфаати ғоялари йўғрилган қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга, ёшларда Ватанга садоқат туйғуларни шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Усмон Азим, Аҳмаджон Мелибоев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Фахриёр, Эшқобил Шукур, Салим Ашур сингари таниқли ижодкорлар Азиз Саиднинг "Чилтор", "Дили қани Бедилнинг?", "Ғойибдан дўст билан суҳбатлар" номли китобларининг бадиий қиммати, аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Шухрат МЕНГЗИЁЕВ

САҲНАДА «ЗАМОНАМИЗ АВЛОНИЙСИ»

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри қошидаги Қорақўл ёшлар театрида драматург Қўчқор Норқобил асари асосида тайёрланган "Замонамиз Авлонийси" спектаклининг тақдироти бўлиб ўтди. Асарни режиссёр Достон Ҳақбердиев саҳналаштирди (бадиий раҳбар Александр Бекчорев, расмсом Жалолиддин Раҳимов).

— Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, «Буюк хизматлари учун» ва «Меҳнат шуҳрати» орденлари соҳиби, машҳур «Қорақўл мактаби»нинг асосчиси Тўхтамурод Жумаевнинг ибратли ҳаёт йўлини анчадан бундан ўрганиб юрардим, — дейди асар муаллифи, драматург

Қўчқор Норқобил. — Шулар асосида мазкур саҳна асарини ёзишга қарор қилдим. Ўқитувчи-мураббийлар улугланса, албатта, жамиятда юксалади. Ушбу саҳна асари томошабинни шунга даъват этади.

Қ.Норқобилнинг мазкур асари устозларга ҳурмат-эҳтиромни ифодалаш билан бирга, уларнинг заҳматли ва шарафли фаолиятини кўрсатишга хизмат қилади. Шу маънода «Замонамиз Авлонийси» азиз устозларимизга каоб байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

САҲНА ВА ҲАЁТ МАКТАБИДА УСТОЗ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист Абдураим Лапасов ибратли умр эгаларидан. Санъатга бўлган қизиқиш болаликдан Абдураимни Жомбой тумани марказидаги ёш актёрлар тўғарагига етаклади. Мактаб саҳнасида турли ролларни ижро этиб, устозлар назарига тушди.

Кейинроқ Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрида ижро этаётган ролларини кўрганлар Абдураимни актёрлик бўйича ўқиган, деб ўйлашарди. Бироқ ҳали бу соҳа бўйича таҳсил кўрмаганди. Абдуҳолиқ Холбўтаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухтор Сатторов каби устозлар Абдураимдаги иқтидорни кўриб, имкон қадар ёрдам беришди. Қўшимча тўғараклар ва кичик ролларда қатнашиб, салоҳияти ўсди.

А.Лапасов театр саҳнаси унинг тақдирини, келажагини эканини аңглади. 1972 йили Маннон Уйғур номидаги театр санъати институтининг актёр, драма ва кино бўлимида сиртдан таълим олди. Устозлари — Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Турсунбой Исроилов, Аҳмаджон Тўлаганов, Баҳодир Назаровлардан санъат сирларини ўрганди. Талабалик даврларидаёқ қардош халқлар ўртасида ўтказилган қўллаб-қувватлашда қатнашди. Қанчалик шуҳратга эришмасин, ўқинишни тамомлаб, яна Жиззах вилоятига қайтди. 1972 йилдан 1983 йилгача Жиззахда ёшларга етакчилик қилди. Вилоят, республика миқё-



сидаги нуфузли тадбирларга сценарийлар ёзди, оммавий саҳналарда ҳам жонбозлик кўрсатди. Аммо асосан саҳнадаги роллари туфайли эл-юрт эътирофига сазовор бўлди. Кичик эпизодларию катта роллари муҳлисларнинг эътиборига тушди. Актёр бора-бора шу театр "қиёфаси"га айланди. У Расул Ҳамзатовнинг "Тоғ қизи" асарида Усмон, М.Асадуллаевнинг "Шунчаки ҳазил"

спектаклида Султонмурод, театрнинг "Жарлик", "Ҳайлий шаръий", "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Тобутдан товуш" каби энг сара спектаклларида ижобий ролларини маромига етказиб ижро этди. Нутқни мукамаллаштириш ва саҳна сирлари борасида қўшимча дарслар ола бошлади. Устозларининг ҳар бир чиқишини зимдан кузатди. Абдураим ака театр саҳнасида Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" асарида Мўмин чол, Саид Аҳмаднинг "Уфқ" асарида Турсун ва бир қанча жаҳон адабиётининг дилбар асарларида ўлмас образлар яратди. 1983 йилдан 2003 йилгача Театр арбоблари уюшмаси Жиззах вилоят бўлимини бошқарди. Ўша даврларда юзлаб шогирдларни тарбиялади, театр саҳнасига олиб чиқди. Кўп йиллар Жиззах шаҳридаги "Зилон" ва "Заргарлик" маҳаллаларининг феола отахони, раиси сифатида меҳнат қилди. Тиниб-тинчимас юртдошимиз ташаббу-

си билан мазкур маҳаллалар обод бўлди, йўллар асфальтланди, кутубхоналар барпо этилди. Энг муҳими, маҳаллаларда уюлмаган ёшларни иш билан таъминлади. Маиший хизмат шохобчалари бунёд этди. Муҳиддин Дарвешов: "Жиззахга борсам Абдураимни кўрмай қайтмайман. Чунки у ҳамиша янгилик устида изланадиган, тиниб-тинчимас санъаткор" деган эди.

Бугун А.Лапасовни нафақат Жиззахликлар, бутун республика аҳли яхши танийди. Абдураим аканинг издошлари кўп. Республикамаизнинг кўпгина театрларида меҳнат қилаётган иқтидор эгалари Абдураим Лапасов мактабидан чиққанини тан олишади. Жиззахликлар билан гаплашсангиз, санъатни севган, қадрига етган инсонлар Абдураим ака бизнинг ҳамюрт, бизнинг фахримиз, дейишади. Самарқандликлар эса — "бу бизнинг Абдураим", дея гурурланишади. Абдураим Лапасов 1992 йили "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланди. У киши билан суҳбатлашсангиз камтарлик билан "Яшаппмиз, ишлаппмиз, ижод қияппиз", деган жавобни оласиз. Абдураим аканинг толеи — камтарлиги ва камсўқумлиги, десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз. Ёши олтимидан ошган бўлса-да, ҳамон саҳнани севади. Аниқ кунда Жиззах вилояти мусикали драма театрининг отахон актёрларидан. Ёшига монанд жуда кўплаб ўлмас образлар яратиб, репертуарини бойитиб келмоқда.

Муяссар САИДОВА

Жиззах вилояти

Абдулла БАХШ

БУНЧАЛАР ПОПЛИСАН, ИШҚ ПЎЛА ХАЁТ!



Овлоқ йўл...
Майсалар унмиш бир текис,
Юзлариди қолмиш ёғмрдан нишон.
Шамол қилт этмайди
неки бор — тўкис,
Борлиқ сокинлики тинглайди, ишон.

Дарё уюридан холироқ жойда,
Тинчликка бурканиб Сукунат ухлар.
Қуёшнинг нурлари ўйнайди сойда —
Олис бир юртларда қарсиллар ўқлар...

Қалдирғоч иниди ростлар қанотин,
Тухумдан дунёга кўз очган мурғак.
Газанда деганин кўрган заҳоти —
Типирчилаб қочар, сукунат — хуркак!

Мусича инига чирмашар илон,
Полапон бўғзида чинқириқ синар...
Сокинлик — мўрт эрур, у — шишасимон,
Синса — титроғидан бузилгай инлар...

Сокинлик ярашгай киприкларингга,
Осуда кунларда офтобдек балқини!
Тинчлик ва ороминг, боқий бахтинга —
Асло кўз тегмасин, эй она халқим!

Менга гул берганга мен кўнгил бердим,
Менга тош отганга тиладим тавфиқ.
Менга йўл берганга дилдан йўл бердим,
Менга ҳар ошнодил қадрдон, рафиқ!

Гулларга буркансин босган изингиз,
Ғамбода тутмасин ўғил-қизингиз!
Чин дўстлар, қалбларда эъзоз топингиз,
Ҳамиша эъзозда, азиз бўлингиз!

Менинг дунёимнинг тўрт фасли баҳор,
Ва яна дўстларим тўрт тарафимда.
Эй адашган дўстим, адашган банда,
Токай ғафлатдасиз, ёв тарафинда...

Сизга ҳам бир дунё бахт берсин Худо,
Боқарам, тақаллуф, лабз берсин Худо!

Сен,
менинг жонимда асраган гулим!...
Жонимга ҳаяжон ўтин ёқурсан!
Гулизорлар раъноси, зебо ва сўлим,
Бошқа ҳеч гул йўқдир,
мафтун боқурман.

Менинг юрагимнинг оҳу восинда,
Қўлочингни ёзиб қилурсан парвоз.
Лутфим қиёсинда, кўз қиёсингда,
Жонимни эркалар шаддод ва дилноз...

Ошиқлар дилинда йўқ зарра ғубор,
Қалбга нур тўлдириб
Ҳаққа боқурлар.
Улар Яратганнинг қапалаклари —
Оний умрларин Ишқ деб ёқурлар...
Ўзингга ошиқдил,
чин мафтунингман,
Назарингда борман,
вужудим суйгай.
Бирда бахтиёрман, бирда кўзим нам —
Ўзингга ёр айла, юрагим куйгай...

Чексиз,
чегарасиз
сарҳадлар оша,
Сенга талпинаман,
Ишқ тўла қалбим.
Ёдинг-ла, титрар жон,
жон ичра Ўзинг —
ҳар бир томиримда Ишқ бўл гулладинг...

Сен,
менинг жонимда асраган Гулим!

Бунчалар тотлисан, Ишқ тўла Ҳаёт!
Бирда кўнгил эриб кетса дийдамдан,
Бирда метин тош бўламан-қоламан.
Бирда товонингга чақирдек ботсам,
Бирда киприк ила дардинг оламан!
Куйдириб, куйдириб мени кул қилган,
Саболар бағримда очмас пўртана.
Бақодан фанога мени деб келган —
Мунис аёлимга содиқман, мана!
Довонлар ошамиз бирга бахтиёр,
Сира бегонамас соғиниш ҳисси.
Жонидан гул узиб берган, ўрни бор,
Бунчалар тотлисан, набирам иси...
Ортимга ўгрилиб қарайман гоҳо,
Кўраман отамдан қолган изларни.
Худойжон, кам қилма бизни, илоҳо,
Йиллар тўзонида асра бизларни...
Шодликдан силкинар қалбимда тўғон,
Мавжланар кўнглимнинг тўртта томони.
Портласам кўксимни ёпган вулқоним,
Уримнинг Яхшиси Сен,
мен — Ёмони...

Бунчалар тотлисан, Ишқ тўла Ҳаёт!

Ҳадемай гулпилаб ёғиб берар қор,
Эски оёқ излари кетади эриб.
Менинг юрагимда йил бўйи баҳор —
Яланг изларинг ҳам гуллар сал туриб...

Ҳадемай борлиқни чулғаб олар муз,
Сирпанчик кўнглинга бурон туради.
Кўнглимнинг аршида унган, эй яллиз,
Ҳилол қошларингга сўқим киради.

Ҳадемай аёз ҳам соб бўлади, соб!
Музми ёриб чиққан майсалар айтди.
Қошларинг маъноси ўзи бир китоб,
Ёдинг билан Мени эрта улғайтди.

Ҳадемай баҳор ҳам айланиб келар,
Қайта-қайта келар, ёз ва олтин куз.

Ҳазонлар чечаклар устидан кулар —
Олтин балдоқларин қилишиб кўз-кўз!

Ҳадемай, бетиним айланганидан,
Фаслларнинг боши — кўзи тинади.
Тўрт фаслда гуллаб, мева тугмаган —
Қуриган орзулар тунда синади!
Синади... ҳадемай...

Билмайсан,
энг тоза гулларни,
Сенинг номинг билан қақаришимни!
Чаппар уриб турган
нақшин дилларни, ёпиб,

бир қатим нур тушган
дарчангдан киришимни!

Билмайсан,
энг тоза ҳисларни,
Сенинг номинг билан атаганимни...
Билмайсан...
Самодан мени деб милтиллаб кўчган юлдуз-
ни,
Сени деб,
ўрнига тўғноғич-ла қадаганимни...

Билмайсан...
Ёстиғинг тағига ҳар кун,
сездирмай... меҳримни
қолдираман жим...

Сен эса ҳар кун сўрайверасан,
рост айтинг...
севасизми?
Севганингиз ким?

У эса билади...
аниқ билади.

Шоирим,
ҳар оннинг қадрига етгин,
ҳар битта нурли Сўз яшашга арзир!
Хуш кел, де!
Уларга оқ ғоғоз тутгил —
ёзилмай, ноумид, кетмасин ҳар шеър!

Кўникиб яшагин,
кутиб яшагин,
Сўзинг кутилмаган таширларини!

Ёрқин сўзлар мушфиқ,
ёзиб олмасанг —
Ватан тутадилар йўқлик қаърини...
Кўникиб яшагин,
кутиб яшагин,
ҳар шеърни қўйормасанг, тур ёзишга шай.
Инчунун,
ўлим ҳам мисли оқ шеърдай —
у ҳам ташир қилар, бир кун индамай!

ИММУНИТЕТ

Мени болаликда илон тишлаган,
Менга илон захрин таъсири душвор!
Масъум чоғларимдан
заҳар нишлаган —
Ҳасадларга
менда иммунитет бор!

Унча-мунча дайди лайчанинг тиши,
Оёғимга ғарчча ботмағай зинҳор!
Чунки иммунитет!
Боқсанг тирқиши,
кўринур,
итлардан қолган заҳм бор!

Дўсти-муҳибимга, бефарқман, рост!
Биламан, ҳийласи неларга қодир!
Заҳар куйдирса ҳам тилининг остин,
Тил учиди ширин сўзлашга моҳир...

Фақат юрагимни куйдирманг,
дилни,
ошуфта қалбимни,
тийрамасин ўқ!
Севиб улғурмадим ҳали ҳеч кимни —
Айрилиққа менда
иммунитет
йўқ!

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Абдувоҳид Сайид МУҲАММАД

ШЕЪР – ШОИРНИНГ ДИЛУ ДУНЁСИ

Сир эмаски, ҳозирги кунда кўшни республикаларда
яшаб, ўзбек тилида ёзаётган ижодкорлар ҳар доим Ўзбе-
кистонга талпинишади. Уларнинг кўнгли бу адабий муҳитни
қўмсайди.

Туркманистонлик Абдувоҳид Сайид Муҳаммад ўтган
асрнинг тўқсонинчи йилларида Низомий номидаги Тош-
кент давлат педагогика институтининг тарих факультетида
ўқиди. Сўнгра уйига — Ҳаллангга қайтди. Уқитувчилик қил-
ди. Дарвоқе, бу Ҳалланг қишлоғидан тошхузулик улкан
таниқли олим ва уламолар, шоир ва ёзувчилар, академик
Матёкуб Қўшжонов етишиб чиққан.

Назаримда, Абдувоҳид шеър билан яшайди. “Шеърга
ошно бўлган даминг дам бўлди”, деб бежиз ёзмайди у.
Шоир ёзмаса яшай олмаслиги, кўнглини бўшатмаса, тинчланмаслиги сабабли сўз май-
донига киради.

Унинг “Бобларим ёққан чироқ” шеърый тўплами чикди. Шеърларида юрак тубидан
ўрин оладиган сокинлик либосига бурканган дарёга хос тошқинлик, қалб жўшқинлиги
сезилади. Айни чоғда, унинг шеърлари маънили, оҳангли, маъзи тўқ, махтумқулиёна
хикмати, абдувоҳидона дардли... Абдувоҳиднинг ёзганлари орасида: “Ҳеч бир бар-
моқлар Наҳмиддин Куброники каби Ватанга ўзини қурбон қилган эмас” каби фавқу-
лодда оригинал хикматлар бор.

Муҳтарам газетхон, Абдувоҳид Сайид Муҳаммаднинг шеърларини ўқиб, шоир ду-
нёсига ошно тутинасиз, деб ўйлайман.

Баҳодир КАРИМ,
профессор



Чарос АВАЗОВА



Айтилган сирли ваъда ичимга олов
солган. Ўшандан бери бир зайлда ўт-
миш зерикарли ҳаётимга нисбатан исён
сезаман. Кўнглим ҳеч тўлмайди. Дарво-
за ортида менга етишмаётган бахт, бу-
юклик ва излаётган нарсам кенг қулоч
ёзиб турган экан, нимани кутиб ўтириб-
ман?! Омадимни синаб кўришим керак!
Кейин қайсарлиқни, қизиқувчанлиқни
ё ваъдага ишончми мени ўша узундан-

узоқ йўлдан юришга ундади. Сояма-со-
я эргашган машаққатларга чап бердим.
Ниҳоят манзилдаман.

Танимда чарчоқ аралаш фахр ке-
зинарди. Дарвоза ниҳоятда баланд ва
энли экан. Уни забт этсам, ниятимга
эришишим тайин. Ўзимча тезроқ шу
нарсаларга эга бўлиш учун дарвозани
тўхтовсиз тақиллатишга тушдим. Ҳеч
ким жавоб бермади. У ёқ бу ёғидан
тирқиш изладим, дарвоза бус-бутун,
бирорта ёриқлари йўқ. Атрофимга
яхшилаб разм солдим. Чап томо-
ним чуқур жарлик — юрак ҳайқади.
Ўнг томонимда туманлараро улкан
ва нотекис деворнинг қораси аранг
кўринади. Демак, ундан утолмайман.
Тўғримда эса босиб ўтганим сарҳад-
сиз йўл ястаниб ётибди. Шунда ҳар
учала томоним ҳам кўзларимга хунук
кўриниб кетди. Нарвон яасам-чи?
Ҳа, шундай қиламан!

Йўл ёқасидан йўғон шох-шабба-
ларни йиғиб келдим. Сафар халтадан

ингичка чилвир топилди. Пиллапо-
ларни устунга маҳкамлаб боғладим.
Қўлбола нарвон тайёр! Аммо тикка
кўтарганимда, унинг дарвоза бошига
анча-мунча етмаслигини кўрдиму ҳаф-
салам пир бўлди. Бор шох-шаббани

олиб келганман, энди бошқасини то-
пиш амримаҳол. Менда икки йўл бор,
холос, бири қўл силтаб, ортга қайтиш.
Аммо бу барча машаққатларни ҳавога
учириш билан баробар. Иккинчи йўл
эса дарвозанинг очилишини кутиш.
Лекин қачонгача? Кайфиятим тушган,
шаштим паст, дарвозага ишончсиз
нигоҳ ташлайман. Гўё рўёбсиз орзу-
нинг қўлидан тугтандекман. Шунда
ҳам ичкаридан умидворман. Ҳар кун
дарвозани қайта ва қайта тақиллата-
ман. Чарчасам, унга суянгачча мовий

“Қочганим кўпликдир,
истагим хилват”,
Менинг ҳам шу кунлар, Фироғий бобо.

Баҳорлар кузакка злгтувчи бир ҳол,
Умр етмиш-саксон йиллик қийл қол,
Ҳаётим гирдобда айлантирар сол,
Менинг ҳам шу кунлар, Фироғий бобо.

Кимлар Макка борди, кимлар Мадина,
Ким Ҳақнинг уйдан излар хазина,
Йўлдошим бўлибдир бир ўтти сийна,
Менинг ҳам шу кунлар, Фироғий бобо.

Ломакон кетарлар ўнгу сўлимдан,
Бир ибрат топмадим ўтган йўлимдан,
Умрим арзонгаров оқар қўлимдан,
Менинг ҳам шу кунлар, Фироғий бобо.

Тушимдан ўнгимга ҳатлолмай ҳалак,
Кўнглимда армонлар ёзмокда палак,
На замин дўстимдир, на Қодир фалак,
Менинг ҳам шу кунлар, Фироғий бобо.

ФИРОҒИЙ БОБО

Бойдан нусрат кўпдир, ғарибда ғурбат,
Ёмонда инсоф йўқ, яхшида қудрат,

ХОРАЗМ

Ким кўрган сендан ҳам покиза дилини,
Куйласа йиғлатган ҳатто булбулни,

Қалбин ярасига боғлаган гулни,
Минг йиллар сўлмаган оразим менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

Шоҳлари шахд билан сурганида от,
Пойига тиз чўккан Дамашку Бағдод,
Йиғиб Гурганжига минглаб яхши зот,
Чархни айлантирган ўқ созим менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

Жайхунни қучоқлаб ухлар даласи,
Минг ердан бўй чўзган кенти, қалъаси,
Ёвларни қиратган шоҳнинг боласи,
Ҳайқирса келади борасим менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

Жоним сенга пайванд,
тан сенга пайванд,
Хаёлим ҳамиша ёдинг билан банд,
Мардликда ўзингсан, ўзинг бесарҳад,
Чинорим, минорим бор азимм менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

Созларга соз қўшган янграқ яллеси,
Ўйланса, самони қўзғар чамаси,
Замон бозорида ҳар бир палласи,
Ҳар томон оғмаган тарозим менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

Эгизак дейди у тўйни, мотамни,
Зар сочса ўтқазар саҳий Ҳотамни,
Қўйиб елкасига мендек одамни,
Айлаган юксакдан парвозим менинг,
Юртимсан, эй гўзал Хоразм менинг.

КАПАЛАК

Дарди кўп дунёга дард айтиб тўйдим,
Юрсам муҳаббатга ҳоқилдим нуқул.
Севги эртагига мен нуқта қўйдим,
Мени олиб кетгин, учиб юрган гул.

Паришон ҳолимга ачинмас ҳеч ким,
Сунанчик истамай қўйди бу кўнгил.
Сени деб жондан ҳам келади кечгим,
Мени олиб кетгин, учиб юрган гул.

Менинг ҳолим забун, сенда-чи, тил йўқ,
Йўқ сенда қийнашга минг битта усул.
Дилимни бермоққа ўзга бир дил йўқ,
Мени олиб кетгин, учиб юрган гул.

Гўзал қанотингга яна шеър битдим,
Бир ожиз кўнглининг баёнидир ул.
Дарди кўп дунёга дард айтиб ўтдим,
Мени олиб кетгин, учиб юрган гул.

БУЛОҚ

ХИКОЯ

яна сарҳадсиз йўл, дилимда
қўрқув. Кўп ўтмай бутун олам
устимдан кулаётгандек ўзим-
ни бахтсиз ҳис қила бошла-
дим. Ҳаракатларим зое кетарди. Лекин
яна нимадир кетишимга йўл қўймасди.
Бир кун қўлларимга тикилиб, ўзимни
сал қолса йўқотаёздим. Томирларим
бўртиб чиқибди. Белимда ҳам оғриқ
бор.

Наҳотки қариётган бўлсам? Ахир
бу ерга келганимга қанча бўлди? Бил-
майман... Дарвоза эса менга қасд қўзга

гандек ўз жойида бирор ўзгаришсиз,
ўша салобат билан турарди. Энди кет-
ган умрим ҳаққи қайтолмасдим. Ту-
ман ортидаги деворга чирмашиб бўл-
са-да, ниятимга эришишим керак. Шу
мақсадда дарвозанинг ўнг томонига
ўтдим. Ўтдим унинг ҳеч қандай девор
билан уралмаганини кўрдим. Дар-
возани айланиб ўтсак бўлди экану.
О, наҳотки, девор деганимиз узокдаги
улкан тоғлар бўлса? Наҳотки ту-
манлар бизни алдаган ва вақти-
мизни елларга совурган бўлса?
Дарвоза ёнида бироз туриб
қолдим. Йўўўқ, у ҳам ҳеч қандай
кулфлоглиқ эмас экан. Тақиллатиш
ўрнига қаттиқроқ итарганимда, оча
олган бўлармидим. Минг бир ҳисси-
ётлар оғушида бизга бахт ваъда қил-
ган маскан томон қарадим. Олдимда
ортимдагидан ҳеч фарқ қилмайдиган
ададсиз йўл чўзилган эди. Алам би-
лан атрофга назар солдим. Фақат ҳар
қадамда нимадир жимирлаб кўзга

ташланарди. Ўн-ўн беш қадам юргач,
уларнинг ҳаммаси ер тубидан отилиб
чиқаётган булоқлар эканини билиб
олдим. Ичимдан зил кетди, наҳотки
менга етишмаётган бахт ва излаётган
нарсам шу бўлса?

Шунча умримни биргина булоқ-
нинг кўз очганини кўриш учун сарф-
ладимми?! Суевдан қониқиб ичаркан-
ман, сал наридаги чархпалакка кўзим
тушди. Қизиқ, унинг одам ўтирса
бўладиган ўриндиқлари бор экан.
Эътибор билан қарасам, ерда ҳам
чархпалакка ишора қилинган кўрсат-
гич турибди. Эҳтимол, унга чиқишим
керакдир? Эҳтимол, излаётганимни
ундан топарман? Хаёлимдан шу ўй
ўтди ҳамки, чархпалакка чиқишга
ошиқдим. У узоқоқ айланди, айла-
наверди. Тўхтаганида эса ҳайратим ўн
чандон ошиб кетди. Ҳали унга чиққан
жойимда, булоқнинг қаршисида кўр-
дим ўзимни. Булоқ кўзларидай зилол
сувлар тинимсиз қайнаб чиқарди...

Доира...

Сўз усталари бу сеҳрли чолғуга санъат салтанатининг энг ботир, жасоратли аскари, дея таъриф беришади. Дарҳақиқат, Ал-помиш шиддати, Гўрўғли ҳайқириқлари, Султон Жалолиддиндек баҳодирлар жасорати мужассам унда. Доира тилга кирганда томирларда қон кўпиреди, ёғиларнинг оёғи қалтирайди, юрагига ғулғула тушади, кўркүв босади. Бу соҳир садоларда жиғаларнинг жилдирашидан момақалдиқроқ гулдирагича, милтиллаган учқундан то чақмоқча, тонгги насимлардан тоғларни зириллатувчи бўронлар қудратини ҳис этиб турасиз.



Шарқ халқлари тарихида сирли оҳанг таратувчи бу чолғунинг алоҳида ўрни бор. Кўнгил тугёнга келадиган ҳар не борки, у бирла, унинг жонбахш садолари уйғунлигида амалга ошганига кунларимизнинг ҳар лаҳзаси гувоҳ. Қадимдан каландару дарвишлар унинг зарбларидан сархуш рақс тушганлар. Тўй-томошалар оловда тобланган доира зарбиди қизигандан қизиган, наърасидан лашкарлар оёққа қалққан. Ўзбек ва тожиклар доира, чирманда, чилдирма дейишса, қардош озарбойжон-

лан ҳамкорлик қилиш, устоздан доира сир-асрорларини ўрганиш эди.

Тақдир бу борада ундан саховатини аямасди. Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев билан йўллари кесилишди. Мусиқа билим юртини битириб, тилларда дoston бўлган "Баҳор" ансамблида фаолиятини бошлади. "Баҳор"да ўзбек санъатини дунёга ёйишда улкан ҳисса қўшган не-не рақс усталари фаолият кўрсатмаган дейсиз?! Талъат ака ана шундай беназир санъаткорлар билан ҳамкорлик

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ҳам акс-садо бергани, унинг беназир санъати туфайли ўзбек доираси чет элларда ҳам нашъу намо толгани бор гап.

Кечаги ўсмир бугун устоз, мураббий.

Ўзбек доирачилиқ мактабининг бир неча авлодга мансуб Хусан Носиров, Дилмурод Исмолов, Ҳабибулло Расулов, Маъмур Мирдадаев, Рустам Убайдуллоев, Ҳасан Азимов ва ўнлаб номдор доирачилар Талъат аканинг шогирдлари ҳисобланади.

Ўзбек доирачилиқ мактабининг жонқуяр фидойиси Талъат Сайфиддинов нафақага чиққан бор билим ва тажрибасини ёшларга ўргатмоқда. Устознинг "Доира ижрочилиги санъати" ўқув қўлланмаси шу йўлда битилган қимматли дарслиқдир. "Доираи 3-4 дақиқа чалиш учун соатлаб машқ қилиб, бармоқларингиз қавариб, қадок бўлиб кетади, оғрийди, бир неча кунлаб қўлингизни ҳеч нарсага теккизолмай юрасиз" – дейди у.

Инсоннинг неча йил яшаганига эмас, босиб ўтган умр йўлига қараб хулоса қилиш мумкин. Талъат

СОҲИР САДОЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ...

ликлар дэф, дойра, форс ва мисрликлар дафф, арманлар эса дап дея улуғлашади. Милоддан аввалги биринчи минг йилликдаёқ Марказий Осиё халқлари ҳаётига кириб келган ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган доирасиз бугун ёр-ёрлар, ўланлар, лапарлар, ялалар, замонавий кўшиқлар, рақсларни тасаввур қилиш қийин. Абу Наср Форобийнинг "Китоб ал-муסיқий ал-кабир" китобида келтирилишича, эразмиздан аввалги икки минггинчи йилликка оид Сиймалитош археологик қазилмаларидан топилган созлар орасида доира борлиги айтилади.

Ибтидода инсоннинг вужудига руҳ – жон куй билан кирган, деган қараш бор. Куйнинг замирида ҳаёт-ий оғриқ, дард мавжудлиги учун ҳам ҳамиша унга эҳтиёж бўлган, бор ва тоабд шундай бўлиб қолади. Най, уд, ғижжак... Мавлоно Жалолиддин Румийнинг беназир "Маснавий"си най – мусиқа орқали инсонга мурожаат билан бошланиши ҳам бежизга эмас-да, ахир!

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,

Айрилиқлардан шикоятлар қилур...

Илло, куй ва мусиқада кўз илғамас оҳанрабо, илоҳийлик бор. Атоқли санъаткор Турғун Алиматов шундай деган эди: "Бўстониқда сой бўйидаги бир богда танбурни кўлга олиб, чала бошладим. Шунда ишонасизми, атрофимни турфа хил қушлар босиб кетди. Яъни танбурдан таралаётган куй қушларни ўзига ошувта қилиб олган эди..."

Ҳа, най, уд, танбур, ғижжак каби мусиқа асбобларидан инсон қалбига ҳамоҳанг ғамгин чолалар оқади. Ғам-андуҳ одам боласининг азалий ҳамроҳи. Доира эса тамом бошқача. Унда ёвқур жўшқинлик бор, ички ғалаён бор, ҳаёт бор, умид бор, куч, ғайрат бор.

Ўзбек доирачилиқ санъати, унинг дарғалари ҳақида гап кетганда, Уста Олим Комилов, Қаҳрамон Дадаевлар қаторида Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфиддинов сиймоси ҳам кўз унгимизда намоён бўлади.

Талъат ака дунёга келган хонадонда санъат ёки мусиқага бевосита алоқадор одамлар бўлмаган. Отаси мактабда ёшларга сабоқ берган. Ониси фарзандлар тарбияси билан банд.

Талъат акада нима бўлса – Оллоҳдан. У мактабда ўқиб юрган кезлари доира чалишга қизиқиб қолади, вассалом... Аммо унда ҳар қандай қизиқиш, ниятни маромига етказадиган яна бир ҳислат, тиришқоқлик бор эди. Доира билан одамлар қалбини ишғол этиш жуда ёшлигида – Самарқанд шаҳридаги мусиқа билим юртида ўқиётган пайтидаёқ улкан мақсадга айланган эди. Яна бир орзуси, довуғи Ўзбекистондан олис-олисларга кетган доирачи Қаҳрамон Дадаев би-



қилди, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Йиллар ўтиб самарқандлик Талъат деган тиришқоқ йигит — Талъат Сайфиддинов бўлиб, болалиқда кўлга олган ва бир умр боғланиб қолган доираси билан дунёнинг юздан ортиқ давлатига кириб борди, миллион-миллион мухлислар меҳрини қозонди. Умрининг ёшлик баҳорида "Баҳор" ансамблига келган Талъат ака 1995 йилгача шу кутлуг даргоҳда меҳнат қилди.

Дарахт бир жойда қукаради. Талъат Сайфиддинов шу даврда ҳар қандай санъаткор орзу қилиши ва эришиши мумкин бўлган барча йўллари босиб ўтди, бахтли, унутилмас дамлари бошдан кечирди.

Қизиқ бир воқеа. "Баҳор" ансамблининг раҳбари Мукаррама Турғунбоева Талъат ака учун бамисоли она мақомида эди. Мукаррама опа бир кун: "Талъат, сен менга ўғилдек яқинсан, жияним бор..." деб нозик масала — уйланишдан гап очиб қолади. Талъат ҳеч иккиланмай: "Сиз нима десангиз шу" дейди. Қараб-сизки, чиройли бир оила дунёга келади. Бугун Талъат ака ва Гулнора олапарнинг Асал ва Давлат исмли ўғил-қизлари, бир этак набиралари бор.

Санъаткор Ўзбекистонда ва хорижда ўтказилган кўплаб кўрик-танловларда иштирок этган ва ҳар доим олқишларга сазовор бўлган. Хусусан, Шимолий Корея пойтахти Пхеньян, Германиянинг Берлин шаҳарларида бўлиб ўтган фестивалларда фаол қатнашиб, ғолиблик шохсупасидан ўрин олганини фахр билан эслайди. Ҳақиқий санъат ҳеч қачон таржимон-тилмочга муҳтож бўлмаган. Талъат Сайфиддинов чалган доира садолари турфа эл, элатларнинг қалбларига

Сайфиддиновни доира санъатида ҳеч иккиланмай Юсуфжон қизиқ Шакаржонов – сўз усталари даврасида, Юнус Ражабий – мақомда, Мукаррама Турғунбоева – рақсда, Турғун Алиматов – танбурда эришган чўқиларни забт этган санъаткорлар сафига қўйиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз" деган даъвати Янги Ўзбекистон ҳаётида жадид боболаримиз олға сурган ва юйиллиқлар давомида амалга ошмай қолган безавол ғоялар билан ҳамоҳанглиги кишини қувонтиради. Бугун фарзандларимиз учун Президент мактаблари, аниқ фанларга йўналтирилган махсус мактаб-интернатлар кенг фаолият юритмоқда. Шулар қаторида Бола-лар мусиқа санъати мактаблари тарбияланувчилари эришяётган ютуқлар янада қувонарлидир.

— Яқинда мустақиллигимизнинг 30 йиллигини зўр шодибна билан нишонладик, — дейди Талъат ака. — Ўттиз йилда амалга оширилган ишларимиз оз эмас, албатта. Аммо охириги беш йил... Рост, менинг назаримда, шу беш йилдаги ўзгаришлар Ўзбекистонимиз учун буткул янги давр бошланганидан дақиқ беради. Буни нафақат сиз ва биз, бутун дунё кўриб, билиб, эътироф этиб турибди. Тақдир тақозоси ва санъатим билан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида бўлган ва озми-кўпми у-бу нарсаларни кўрган одам сифатида яна бир хулосамни айтмасам бўлмайди: санъат ва санъаткорларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаётган Ўзбекистондек давлат оламда йўқ! Мақом, бахшичилик, санъат мактаблари... Санъат — бу гузаллик, маънавий баркамоллик. Гузаллик — дунёни разолатдан қутқаради. Барча ренессансларда санъатнинг ўрни бекиёе бўлган. Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишда ҳам санъатга эътиборнинг кучаяётгани гоят ҳикматлидир...

Бугун табаррук 75 ёшини қарши олаётган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, шоир Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, "Доирага забон бергувчи Талъат", бетакор доиранавоз Талъат Сайфиддинов босиб ўтган йўл, у кишининг "Доира ижрочилиги санъати" ҳақидаги китоби ўзбек миллий санъати ривожини йўлида беминнат хизмат қилгусидир.

Абдусалом КҮЧИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

ҚЎБИЗ ОҲАНГУДАН ЯРАЛГАН АСАР

Қорақалпоғистонлик таниқли расом ва ҳайкалтарош Дарибай Тожи-муратов салмоқли асарлар муаллифи. Айни пайтда ижодкорнинг ҳайкалтарошлик ва рангтасвир, график асарлари юртимизнинг нуфузли санъат музейларида, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Германия ва бошқа бир қанча давлатлардан ташриф буюрган санъатсавар инсонларнинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида рассомнинг мўъжаз устахонаси бор. Устахона доим меҳмонлар билан гавжум. Дарибай оғанинг ижо-

— Кубизнинг яратилиши жуда қадим замонларга бориб тақалар экан. Бу тарих қипчоқ қизидан туғилган Кўркут ота ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Бир замонларда халқ жуда қийин аҳволда қолиб, босқинчилардан қўл азият чекади. Шу вақтларда Кўркут ота бир дарахтнинг соясида ухлаб қолади. Ухлаётган кезида унга ваҳий келиб, шундай дейди: "Бир мусиқа асбобини яратгин. Бу чолғу менга одамзоднинг қайғу ва қувончларини етказиб туради. Уни ясашда фақат жийда дарахти ва от ёлидан фойдалангин. Чунки от мен инсонларга туҳфа қилган етти



дий ишлари билан танишиш мақсадида хорижликлар ҳам бу ерга тез-тез келиб туришади. Оға мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби" деган юксак мукофотга сазовор бўлди.

Шу ўринда рассомнинг мато, мой, бўёқда ишланган "Қўбизим" асари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Мусиқа чолғу асбоби бўлмиш қўбиз ва ёш жиров асарнинг бош композициясидан ўрин олган. Рамзий тимсолларга таянган рассом ўз фалсафасини "Қўбизим"га жо этган, назаримда.

Мусиқа чолғу асбоби акс эттирилган картиналар азал-азалдан рассомларнинг сеvimли мавзуси саналган. Қадимги давр Миср меъморчилигида деворий безаклар сифатида ҳам айнан мусиқа чолғу асбоблари тасвирланган санъат асарларини учратамиз. Уйғониш даври ва Ўрта асрларда ҳам мусиқий чолғулар рассомларнинг асосий тимсолларидан бири сифатида матоларни забт этди ва ноёб асарлар дунёга келди. Дарибай Тожимуратовнинг "Қўбизим" асари мажозий маънога эга. Асарни кўриб, қулоқларим остида қўбизнинг дардли оҳанг эшитила бошлади. Кўз олдида эса халқ ботирларининг тинчлик ва озодлик учун курашаётгани гавдаланди. Рассом ушбу асарнинг яратилиши ҳақида шундай дейди:

мўъжизанинг бири. Бу чолғу асбобини чалган вақтингда ерда шамол кўтарилади, момақалдиқроқ гулдираб, ёмғир ёғади. Шунда билинларки, қўбиздан таралаётган оҳанг менга дардингизни етказяётган бўлади". Шу тариқа қўбиз дунёга келган дейишади. Жировларимиз ботирлик достонларини қўбизда маромига етказиб қўйлашади. Утган асрларда бу борадаги ёзма манбалар кам учрайди. Аммо қўбиз оҳанги ва жировлар кечаги кун, ўтмиш ҳақида ҳамон қўйламоқдалар. Менинг бу асарим жировларга чексиз ҳурматим белгиси.

Асар мухлисларни нафақат тарих билан юзлаштиради, балки унинг ноёб истеъдодли жировнинг мусиқий оҳангларида яратилишини исботлади. Асарда бир неча деталлар эътиборингизни жалб этади: қўбиз ушлаган жиров юзини бир тарафга қаратиб турибди. Унинг бош қисми ойнинг ўн икки буржлар тасвири билан ўралган. Умумий фон оқ ва кўк ранглар билан кўз олдингизда гирдобни юзага келтиради. Кўк ранг муссаффо осмон бўлса, оқ рангларда қушлар — эркинлик тимсоли асарга янада жозиб бахш этади.

Узоқлардан келаятган тарих акс-садои қўбизнинг майин ва дардли оҳангларига қўшилиб кетади. Қўбиз бизга ўтмишдан ва бугунги ҳаётдан сўзлайди.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА

Журналда номим "йилт" этиб кўриниши ҳамоно хотиним қалам ҳақи (у "гонорар" дейди) суриштиришга тушди:

— Шунга қанча гонорар беришади?

Мен тахминимни айтдим.

Хоним ўша заҳотиёқ ҳисоб-китобга киришди:

— Ярим кило лаҳм гўшт!..

— Балки сал камроқ берар, — дедим уни бироз ховуридан туширишга тиришиб, — Солиқ-молиққа, бу ёғи пенсиямга бирор фойда ушласа...

Заифам заифлигини кўрсатиб жиғи-бийрон бўлди:

— Йй-й, мен қўлийизга тегадиганини сўраяпман...

Берганининг бетига қарама, деган мақолни эслади, шекилли, беўхшов тиржайди. Кейин ўсмоқчилаб сўради:

— Менга қаранг, миллион сўм топишининг илоҳи йўқ-микин? Ҳамма қарзлардан биратўла қутулиб, рўзгорнинг каму қўстини ҳам бутлаб оларди!

— Тома-тома кўл бўлур, деган гапни эшитгансан, — дейман уни инсофга чақираётгандек. — Ҳар куни минг сўмлик мақола ёзсам, роппа-роса минг кунда миллион сўм, деган гап! Кейин пулдан хирмон ясайвер!

Бу гапга жавобан хоним бурунчасини жийриб қўйди. Сўнг телевизор мурватини буради. Ана холос, бокс буйи-ча жаҳон чемпионлиги бошланибди-ку! Эр-хотин экранга миҳландик.

Ҳаётни ўз қаричи билан ўлчашга ўрганган хонимнинг саволи худди томдан тараша тушгандек бўлди:

— Шунча муштлашганига яраша уларгаям пул тўлашадими?

Тилимни тишлаб ўтирганимда шунча ғалва қаёқда эди. Бир пайтлар қулоғимга чалинган гап лоп этиб оғзимдан чиқиб кетса денг:

— Ғолибга нақд уч милён, ютқазганга бир милён беришади...

— Кўкиданми?

Шу он ўлжасига ташланишга шай турган мушукдек

БОКС ВА «ГОНОРАР»

кўзлари ёниб турган хонимнинг ичини қиздиргим келди:

— Ҳозир Европада кўчини тан олишмайди, еврода тўлашса керак!..

Хоним бир тўхтамга келди, шекилли, тамшаниб қўйганча ясама тиржайди:

— Бир нарсани тушунмадим, — деди гапни узоқроқдан бошлаб. — Ютқазганга нега бир милён беришади?

— Кимсан — жаҳон чемпиони билан рингга тушгани учун бўлса керак, — дедим билагонлик қилиб.

— Манга қаранг, — деди хотиним мақсадга кўчиб. — Сиз ҳам би-ир рингга тушмайсизми? Муштингиз табаррук, деб ўйнашга кўндирасиз. Иннакейин, урганингиз ун оши, укажон, деб қўйсангиз, ҳолингизни тушунар! Жа-а нақаут қилиб ташлама, деб қўясиз-да, хи-хи. Ярим соат нари-бери муштлашган киши бўласиз. Кўркманг, ўлиб қолмайсиз! Кейин бир милённи ўзимизнинг сўмда беришса ҳам майли!

Ҳушинг жойидами, дегандек кўзига қарасам, бекам жиддий гапиряпти...

— Умримда бировга кўл кўтарганимни кўрганмисан? — Ётиги билан тушунтирдим унга. — Боксининг қўлқопини қийишнйам билмайман-у...

— Ўзим ўргатаман, — деди шартта гапимни бўлиб зам-фам. — Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ...



У шаштидан тушадиганга ўхшамасди. Бидирлаганча болаларнинг ётоқхонасига кириб кетди-да, ўғлимиз мактабидан олиб келган икки жуфт чарм кўлқопни кўтариб чиқса, денг.

— Мана, қўлийизга тақинг, — деди гапни давом эттириб.

Хотиннинг қистови билан иш қилишга ўрганса ёмон бўлар экан. Чарм кўлқоплар қўлимга қандоқ кийилиб қолганини сезмай қолсам, денг.

Заифам мен ўйлаганчалик заиф эмаскан. Чарм кўлқоп кийса худди баҳайбат боксчига ўхшаб қоларкан. Шу ҳолатида унинг важохатини бир кўрсангиз.

— Бўлди, аяжониси, — дедим кўнгилсиз ҳодисанинг олдини олиш илинжида. — Муштлашмай қўя қолайлик...

— Бу машқ, билдийизми! Машқ қанчалик машаққатли бўлса, жанда шунчалик осон бўлади! Тўғри, сиз чемпиондан енгиласиз, аммо-лекин, жаа машқ учун осиб қўйиладиган қопга ўхшаб ҳам турмаслигингиз керак! У икки-уч урганда

жилла қуриса бир тушуриб қоларсиз!

Қалам билан филни йиқитишга қодир одам, афсуски, ҳозир шу баҳайбат кўлқоп билан пашшани ҳам уролмаслигини аниқ, Хоним бўлса ҳоли-жонимга қўймай мени гиламга чиқарди.

Боксчилар рингга чиққандек эр-хотин уйнинг ўртасида бақамти турибмиз (яхшиямки, болалар ухлаб қолишган!).

ҲАЖВИЯ

Фақат судья етишмайди... Ичимда, охири бахайр бўлсин, деб Яратганга илтижо қиламан.

Ҳозир хонимга, бўлди сен ғалаба қилдинг, демоқ учун оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, илгарироқ ўзи "Мана бундоқ урасиз!" дея қулочкашлаб тушуриб қолди...

Кўзимдан нақ олов чиқиб кетди. Қолганини эслай олмайман. Ҳушимга келганимда ўзимни чошшаблари олпоқ шифонада кўрдим. Бошимда кўзлари қизарган хоним ўтирибди!

— Ўзийизга келдийизми, дадажоним! — деди у синиққина товушда. — Салгина қўлим тегиб кетганига шунчами? Ваҳимачи дўхтирлар "сатрисена" дейишадими-ей. Боший-из чайқалганмиш.

— Минг чайқалмасин, бошгинам омон қолибди-ку, — дедим бошқа жўялироқ гап топа олмай. — Сен айтгандай, бир милённи кўлга киритиш учун бундан баттарроғига ҳам тайёрман энди...

Охирам сакраб кетди:

— Пуллари бошидан қолсин. Бизга ҳар куни минг сўмлик гонорорга лойиқ мақола-пақола ёзсайиз ҳам ётади! Энди элликта мақолайиззи гонорори билан отдек бўлиб кетаркансиз!

— Тушунмадим? — Инграб қўйдим беихтиёр.

Хотиним, мунча ғалчага ўхшамасангиз, дегандек ғалати қараб қўйди-да, шифокор ёзиб берган дорилар рўяхтини кўрсатди:

— Отдек буп кетишийизга бор-йўғи эллинг минг сўмлик дори керак экан...

Бошимга зарба еган чоғда қандоқ хушимни йўқотган бўлсам, ҳозир ҳам худди шундай кўз олдим қоронғилашиб кетди...

Тўлқин ЭШБЕК

Галерея:

Француз расоми Анри Матисс ижодидан намуналар



Интерьер ва фонография (1924).



Шом. Дераза олдидаги аёл (1921).



Очик дераза (1924).



Қизил балиқчалар (1912).

ЁШЛАР ОВОЗИ

БАХТЛИМАН, ДЕСАМ ГАР...

Бахтлиман, деб бўлмас оддий сўз билан,
Уни ифодалар кўздаги қувонч.
Муҳаббатга тўла нурли юз билан,
Бахт бу ўз-ўзига бўлган зўр ишонч.

Бахтлиман, деб бўлмас оддий сўз билан,
Дустлар ўртасида садоқатдир у.
Фарзанд бўла олиш ёруғ юз билан,
У гудак юзида порлаган қулгун.

Юрагингиз бахтни ҳис қилиб урсин,
Юртим тинч, кўзимда чақнайди учқун.
Шу гузал дийрнинг ҳар бир фарзанди,
Бахтлиман деса гар арзийди бугун.

ШИРИН СЎЗ

Ширин сўз гадоси асли одамзод,
У билан юраклар нурларга тўлган.
Меҳрда тоблансин ҳар битта баёт,
Ширин сўзли инсон камолин кўрган.

Яхшилар қувонсин айтган сўзингдан,
Ёмонлар чексинлар афсус, пушаймон.
Эзгулик улашиш келса қўлингдан,
Тилингда гулласин лолаю райҳон.

Меҳр бўлогидан яхши гап юлиб,
Эзгу хислатингни ортсин бўй, эни.
Тақдир йўлингдан ҳар одам қулиб,
Яхши уйлар билан эсласин сени.

КУЗ

Кузнинг ҳам дардлари борга ўхшайди,
Баъзан сокин, баъзан шовқин осмони.
Ҳазон шамолда рақс туша бошлайди,
Ёмғир — самоларнинг олис армони.

Безовта булутлар кутгандай нени,
Самонинг кўксига қолдиранг излар.
Алвонранг шафаклар қуйлатиб мени,
Юракка жо қилар фаройиб ҳислар.

Баъзан шаррос қуйса ёмғир тўсатдан,
Қувонч бекатиға бекиндим кириб.
Томчидан завоқ олган шу тўпроқ каби
Эй куз, келишингни кутдим энтиқиб.

Гарчи ҳисларим ҳам сен каби жумбоқ,
Бардошинг олдида бўлгайман таслим.
Дилларда мавжланар бир чақин-чақмоқ,
Сен менинг дардашим, сен менинг фаслим!

ТОНГ

Майсалар юзини ювганда шудринг,
Тонг отади қуёш қулиб боққанда.
Бағрини очмоқда мусаффо осмон,
Дилда орзуларим қанот қоққанда.

Тонгнинг кучоғида жонларан шаҳар,
Борлиқ кўзин ишқаб уйқудан турар.
Шамол ёш келинчак мисоли саҳар
Ширин тавозе-ла кўча супура.

Оппоқ тонг отмоқда, бир янги замон,
Дуога қўлларинг очгин ушбу пайт.
Ниятлар қалбингда жўш урган ҳар он,
Шу гузал замонга шуқроналар айт.

ҚИШЛОғИМ

Соғиндим кенг дала, адирларингни,
Шамоллар силлаган майсаларингни.
Нафис ҳаво эсган тоғ, қирларингни,
Жонажон қишлоғим, сени соғиндим.

Тунда чигирткалар чириллар эди,
Ойнинг нуридан дил қувонар эди.
Момомнинг ўғитин соғинар бўлдим,
Жонажон қишлоғим, сени соғиндим.

КИТОБ ЎҚИНГ

Ҳаёт йўлларида толмайсиз сира,
Агар қўлингизга китоб олсангиз.
Зулмат кўзларингиз этолмас хира,
Дунёга маърифат ила боқсангиз.

Қайғуга ботсангиз берилиб ўқинг,
Аламли кунларни уйламанг асло.
Асл адолатга термулиб боқинг,
Китоб сизга шунда айна муддао.

Ёлғизлик юракни эса ҳам тинмай,
Энг яхши дўст дея сиз уни билинг.
Разолатга сира парволар қилмай,
Дўстлар, адашмасиз, китобни ўқинг.

Севинч ҲАМРОЕВА

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ”

2021 йил август сони

Миллати япон бўлган британиялик ёзувчи Кадзуо Исигуро 2017 йили адабиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган. Айниқса, унинг “Куннинг қолган-қутгани” ва “Мени қўйиб юборма” романлари машҳур, бу асарлар жаҳон халқларининг қўлаб тилларига таржима қилинган.

“Мени қўйиб юборма” романи юзта энг яхши инглиз романи рўйхатидан жой олган. Журналнинг ушбу сониди адабнинг “Қалбингдан паноҳ излаб” номли романини М.Хўжаев таржимасида ўқий бошлайсиз.

Машҳур япон адаби Кобо Абэнинг “Қалъа” пьесасида ақлдан озавган бир оқининг мажруҳ таъсавуридаги уруш ва зўравонликка қурилган ҳаёти тасвирланади. Адиб бу асари билан инсониятни милитаризм ва зўравонлик каби иллатлардан огохлантиради. Асарни рус тилидан Ш.Бошбеков таржима қилган.

Атоқли ҳинд файласуфи ва психологи Ошо (Чандри Мохан Жеин) “Ижод” номли монографиясида (рус тилидан О.Салимов таржимаси) ёзувчи бўлишга қарор қилган киши ўзи учун қанчалик мураккаб ва қийин йўлни танлаганини таъкидлаб, у ўз завоқасини қандай бажариши ҳақида мушоҳада юритади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди француз ёзувчиси Франсуаза Саганнинг “Ассалом, қайғу” номли романи (рус тилидан С.Сайидмуродов таржимаси) ҳамда рус шоираси Марина Цветаева ижодий меросидан бир туркум шеърлар таржимаси (таржимон О.Суюн-диқова) билан танишасиз.

ЧЎЛПОН АСОС СОЛГАН ЖУРНАЛ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Бир асрлик тарихга эга «Ўзбекистон матбуоти» журнали қайта нашр этила бошланди. Кўни кеча Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан мазкур журналнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг илмий ишлар бўйича проректори Нозима Муратова, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири Нодирахон Абдуллаева, хорижий давлат элчихоналари ваколатхоналари вакиллари, журналистлар ва талабалар иштирок этишди.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали журналистикага оид илмий ишларни ёритувчи журнал бўлиб, илмий-маърифий, филология бўйича Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган.

Мазкур журнал 1918 йилда «Туркистон матбаачиси» (1918—1924 йиллар) номи билан ўзбек ва рус тилларида ях-



лит ҳолда бир ойда икки марта чиққан. Маълумотларга кўра, мазкур журнал асосчиларидан бири улуғ жадидчи шоир Абдулҳамид Чўлпондир. Кейинчалик «Мухбирлар йўлдоши» (1928—1938 йиллар), «Болшевик матбуот» (1939—1941 йиллар), «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» (1952—1964 йиллар), «Ўзбекистон матбуоти» (1965—1968 йиллар), «Мухбир» (1969—1990 йиллар) номлари билан чоп қилинган.

«МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ...»

Абдулла Қодирий уй-музейида адиб ва олим Хондамир Қодирийнинг «Туркистонда очарчилик, қаҳатчилик, ют» номли китоби тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос ва тарихчи олимлар, адиблар, озарбайжонлик зиёлилар ва талабалар қатнашди.

Мазкур китобда 1917—1924 йиллардаги мудҳиш очарчилик, унинг сабаб ва оқибатлари батафсил ёритилган. Ушбу маълумотлар ўша йилларда Туркистон матбуотида, эски ўзбек имлосида ёзлон қилинган мақолалар ва хабарлар бугунги расмий имлога ўгирилиб, яхлит тадқиқот, материаллар тўплами шаклида берилган. Тадбирда китоб ҳақида таниқли олимлардан Баҳодир Карим, Қаҳрамон Ражабов, Баҳром Ирзев, таниқли адиб Нурали Қобул ҳамда озарбайжонлик меҳмонларнинг қизиқарли фикр-мулоҳазалари тингланди.



“Regionlararo mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

“Regionlararo mulk markazi” МЧЖ томонидан ташкил этилган аукцион савдолариға, Тошкент шаҳар Бектемир тумани Ободонлаштириш бошқармасининг 2021 йил 7 октябрдаги 6/759-сонли буюртмасига асосан, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Чирчиқ кўчаси 3-уй манзили сақланган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. МТЗ-82, давлат рақами 01/DA 958, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 12 672 000 сўм.
2. ТТЗ-100 давлат рақами 01/DA 957, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 9 951 587 сўм 10 тийин.
3. ПРИЦЕП 2ПТС-4-793А давлат рақами 01/AA 796, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 611 922 сўм 69 тийин.
4. ПРИЦЕП 2ПТС-4-793А давлат рақами 01/AA 794, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 856 790 сўм 44 тийин.
5. ПРИЦЕП 2ПТС-4-793А давлат рақами 01/AA 795, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 530 546 сўм 80 тийин.

6. ПРИЦЕП 2ПТС-4-793А давлат рақами 01/AA 792, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 775 167 сўм 86 тийин.
7. ПРИЦЕП 2ПТС-4-793А давлат рақами 01/AA 793, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 2 693 545 сўм 27 тийин.
8. ГАЗ 5204 давлат рақами 01/045 LCA, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 15 541 000 сўм.
9. ГАЗ 5201 давлат рақами 01/043 LCA, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 10 393 000 сўм.
10. ЗИЛ-1300K0002 давлат рақами 01/259 PBA, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 10 393 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 8 ноябрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Туртарик кўчаси 11/2 манзилида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2021 йил 5 ноябрь кўни соат 16:00да тўхтатилади. Автотранспорт воси-

таси 2021 йил 8 ноябрь кўни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 16-24 ноябрь кўнлари соат 11:00да ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати савдо бўлишдан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 банк кўни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, зақалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини қўйидаги ҳисоб рақамга ўтказишлари лозим: «ХАТБ <<DAVR-BANK>> Олмазор филиали х/р: 22604000505265882001 МФО: 01121, СТИР: 307638956.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Туртарик кўчаси, 11/2-уй. 95 195-12-21: 95 199-12-21. Гувонҳнома № 880847.

Эълон

БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ЙЎЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ҚЎЙДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА МУТАХАССИС ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Лойиҳа-таъминот бўлими бош мутахассиси.
Қўйилган талаблар: Маълумоти: Олий. Иш стаж: мутахассислиги бўйича камида 3-5 йил ишлаган.
Қўшимча шартлар: компьютерда ишлаш саводхонлиги бўлиши шарт.
Танловда қатнашиш учун диплом, маълумотнома (объективка) ва паспорт нусхаси 2021 йил 8 октябрь кўнига қадар bux DIREKSIYA@umailuz электрон почта орқали юборилиши ёки Бухоро шаҳри Оқ Масжид кўчаси, 8-уй ходимлар бўлимига топширилиши керак.
Танлов комиссияси йиғилиши 2021 йил 11 октябрь кўни, соат 10:00да Бухоро шаҳри, Оқ Масжид кўчаси, 8-уйда бўлиб ўтади.

Шавкатли кўнлар

Орифхон Ҳотамов — 10 октябрь (1927-2002) — бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофиси.	Муҳаббат Тўропова — 15 октябрь (1939-2020) — шоира, публицист.
Шодикул Ҳамроев — 13 октябрь — адиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.	Меҳмонқул Исмоққулов — 15 октябрь (1944) — ёзувчи, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
Ҳамиджон Ҳамидов — 14 октябрь (1935) — филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.	Алексей Устименко — 15 октябрь (1948) — ёзувчи, публицист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош муҳаррир

Салим АШУРОВ

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.

Тахриратга келган қўлхатлар тахлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул китоб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдулҳамид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади - 1183. Буюртма Г - 1044.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Боснига топшириш вақти - 21.00.
Боснига топширилди - 21.35.

ЖУМА КЎНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-614X

